



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 9 сентябрь, № 176 (5091)

Пайшанба

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни муносабати билан йўллаётган самимий табрикларим ва энг эзгу тилакларимни қабул қилгайсиз.

Ишончим комилки, халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам ривожланиб, ҳар томонлама мустақамланиб бораверади.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустақам сихат-саломатлик ва улкан муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига эса янада раванг ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак ҳурмат-эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир АС-САБОҲ, Кувайт Давлати Амири.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари! Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами муносабати билан Сизни самимий муборакбод этаман. Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига эса тараққиёт ва порлоқ келажақ тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

АНРИ, Люксембург Буюк Герцоги.

БАҒРИКЕНГЛИК, САХОВАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида эътиқод эркинлигини таъминлаш, миллий ва диний қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маданий меросини ўрганиш, муқаддас қадимжоларни таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва бу ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг қуни кеча қабул қилинган "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир амалий ифодасидир. Миллий қадриятларимизни, эзгу анъаналаримизни, дину диёнатимизни тиклаш Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ мустақил тузум ҳукмронлик қилаётган кезларда бошланган эди.

Истиқлолимизнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли дин ва конфессия вакилларининг эътиқод эркинлигини таъминлаш учун кенг йўл очилиши давлатимиз раҳбари томонидан юриштирилган адолатли сиёсатнинг амалдаги натижасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга экани, диний қарашларни мажбуран синдиришга йўл қўйилмаслиги қатъий белгилангани юртимизда

жамиятнинг барча аъзолари ўртасидаги тинч-тову ҳаётни, диний эркинликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида буюк алломаларимизнинг қадимжолари, табаррук масканларда кенг кўламли таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Буюк аждодларимизнинг юбилей саналари кенг миқёсда нишонланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида динимизнинг муҳим амалларидан бири — Ҳаж ибодатини адо этишга кенг йўл очилгани юртдошларимизнинг бу борадаги орзу-умидларини рўёбга чиқаришда муҳим омили бўлмоқда. Истиқлол йилларида минглаб юртдошларимиз муборак ҳаж зиёратига бори қилиши шарафига мурасар бўлдилар. Давлатимиз томонидан уларнинг эмин-эркин ибодатини тўлиқ адо этиб, Ватанимизга соғсаломат қайтиб келиши учун барча шароит яратиб берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ЗАМИН БОЙЛИКЛАРИ — ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Истиқлол иқтисодиётимизнинг барча тармоқлари, хусусан, геология-қидирув тизимида ҳам туб ўзгаришлар ясади. Заминимиз қаъридан топилаётган табиий бойликлардан иқтисодиётимиз ривожини, турмушимиз фаровонлигини йўлида фойдаланилмоқда.



Ислохот

"Одам юрса оёғи, қуш учса қаноти куяди", дея таърифланадиган асрий Устюрт кумликлари ҳам ўз бағрида сақлаб келган бебаҳо бойликларни бугун элимизга тортиқ қилаётир.

Қўнғирот туманидан Устюрт кенгликлари томон 150-200 километрга юрсангиз, узокдан кумликлар ичидаги ихчам иншоотлар

кўзингизга ташланади. Чўлнинг ўзига хос манзараларига қараб даставвал, саробмикин, деган ўйга борасиз. Аммо борган сари манзара тиниклашиб, энди чўл сокинлигини бузиб меҳнат қилаётган одамлар ҳам кўрина бошлайди.

Бу — "Сурғил" қони. Ундан Устюрт бурғилаш-қидириш бошқармаси ишчилари ер

бағридаги табиий газни тортиб олишади. Каримжон Тўхтаматов бошчилигидаги олти кишидан иборат гуруҳ 15 кунлик вахтада меҳнат қилаётган экан. Шу кунги замин бағрига тобора кириб бораётган бурғилаш қувурлари қарийб 1946 метр чуқурликка етибди. Айтишларича, бурғи ерга соатига 1 метрдан сингиб бораётган экан. Кав-

лаб олинаётган тупроқ тартиби текширилиб, у қайси қатламга, яъни ривожланишнинг қай даврига тегишли эканлиги, газ захирасига қанча масофа қолгани аниқланади. Тортиб олинган табиий газ эса сепараторда, бошқача айтганда, минизаводда тозаланади.

(Давоми 2-бетда).

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласига устувор вазифалардан бири сифатида қараб келинмоқда. Бу масалалар аҳолининг саломатлик даражасини юксалтириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш билан чамбарчас боғлиқ.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ҳуқуқий базаси изчил такомиллаштириб борилмоқда. 1992 йилда қабул қилинган "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2000 йилнинг 26 майда янги тахрирда қўлга кирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги Фармони ва Ҳукуматнинг бир қатор қарорлари мамлакатда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда кебиёқ аҳамият касб этмоқда.

Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз Президенти

нинг ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг тузилганлиги, шунингдек, мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақалари бунга ёрқин далиллар.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси замонавий, техник жиҳозланган болалар спорт мажмуалари ва майдончаларини барпо этиш ишларини амалга оширмоқда. Ана шу мақсадлар учун 2003 — 2009 йилларда 51,4 миллиард сўм маблағ ажратилди, 1117 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бу соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг самарадорлигини янада ошириш, кўп жиҳатдан, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлашга боғлиқ. Шу йилнинг 6 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида бўлиб ўтган мажлисида "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида ижро этилиши масаласи кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, вазирлик тизимида 61 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда жами 35 мингга яқин ўқувчи спорт билан мунтазам шугулланиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Барчамиз энг улуг, энг азиз айёмимиз — мустақиллигимизнинг қутлуг 19 йиллигини катта тантана билан нишонладик. Ушбу муқаддас айёмнинг таровати, шуқуҳи ҳали-ҳануз юртимиз байрам кезиб юрибди. Одамларимиз бир-бирларини байрам билан кутлашмоқда, меҳрга муҳтожлар ҳолдан хабар олишмоқда, дастурхонларини энг тансиқ таомлар билан безашмоқда, янги қурилган гузарлардаги суҳбатларда эса истиқлол туғайли мана шундай ёрғун кунлар насиб этганига шукроналар айтилмоқда.

ЧЕКСИЗ ҒУРУР БАХШ ЭТДИ

Биз мустақилликни шунинг учун ҳам қадрлаймиз, ардоқлаймиз, йил бўйи бу шодийнани алоҳида интиқлик билан кутамиз. Жорий йилги байрам тадбирларининг "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу гоа асосида ўтказилгани ҳам юртимизда инсон шани, кадр-қиммати нақадар улуг эканининг ёрқин бир ифодасидир.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи, байрам арафасида В. Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейининг капитал реконструкция қилинган ўқув биносини бориб кўриш чоғида, шунингдек, Ташкентдаги Турин политехника университетига қилган ташири пайтида айтган фикрлари барчамизга кўтаринки кайфият, юксак ғурур ва ифтихор бағишлади. Айниқса, юртимиз ёшларига нисбатан

берган баҳолари, оталарча ўғитлари, билдирган ишончлари эртанги кун эгаларининг қалбига ўчмас из қолдириб, шижоатларига янги куч, ғайрат туҳфа этди, келажакка бўлган умидларини мустақамлади. Жумладан, байрам табригидаги мана бу сўзлар ҳар бир йигит-қизни Ватанимизни ардоқлашга, унга муносиб бўлишга ундайди: "Шу борада менинг энг катта умидим ва ишончим — мана шу муҳташам майдонга чирой бериб ўтирган сиз азиз фарзандларимизда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди".

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Йўлсозлар туҳфаси

БУХОРО. Йўлсозларнинг саъй-ҳаракатлари туғайли Бухоро шаҳрини айланиб ўтувчи беш километр узунликдаги замонавий автомагистраль фойдаланишга топширилди.

Ромитан тумани йўл ҳўжалиқ пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат қорхонаси "Самарқанд — Ашхобод — Туркманбоши" автомобиль йўлининг 261-километри ҳамда "Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнов" автойўлининг 228-километрини бирлаштирувчи мазкур объектни ишга тушириш учун 12 миллиард 983,9 миллион сўмлик қурилиш ишларини амалга оширди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Кўркам, шинам, замонавий

ФАРФОНА. Риштон туманидаги Қалайнов қишлоғида 10 та оила энг азиз, энг улуг байраминини яқинда қуриб битказилган намунавий уйларда нишонлашди.

Шаҳарликлар ҳам ҳавас қиладиган бу уйлар Марғилондаги 6-кўча механизациялашган колонна қурувчилари томонидан барпо этилди. Муҳими, йил охиригача ана шундай уйлари 15 тасининг қалитини эгаларига топшириш режалаштирилмоқда.

Н. СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Орзу» — халқ хизматида

ҚАРШИ шаҳрида "Орзу" савдо мажмуаси фойдаланишга топширилди. Янги мажмуа негизда ўнлаб савдо дўконлари ва 7 та супермаркет харидорларга намунавий хизмат кўрсатмоқда.

Мажмуада 80 ўринли чойхона, 10 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди.

Энг муҳими, "Орзу" савдо мажмуасида 1000 га яқин доимий иш ўрни яратилди.

Ф. БОЗОРОВ.

Тажриба алмашишда

САМАРҚАНД. Тайлоқ агротадбиркорлик касб-ҳунар коллежида қишлоқ ҳўжалиқи маҳсулотларини қайта ишлашда кичик технология жиҳозлардан таълим жараёнида самарали фойдаланиш мазмунига бағишланган республика ўқув-амалий семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳузуридаги идоравий метрологик назорат хизмати мутахассислари, Ташкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятидаги агротадбиркорлик коллежлари ўқувчилари иштирок этди. Улар ўқув амалиётига қишлоқ ҳўжалиқи маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган миницеҳраларни киритиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тажриба алмашишларини қайта ишлашдаги замонавий технология билан ҳам танишишди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

МАҲАЛЛИЯЛАШТИРИЛГАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ ОРТМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган экспортбоп маҳсулотлар тури

Ўтган даврда республикаимизда иқтисодиётни таркибий туб ўзгартиришни чуқурлаштириш сиёсати изчил олиб борилгани туғайли соҳада ана шундай ижобий натижага эришилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ



Истиклолимизнинг 19 йиллик байрами шуқуҳи давом этаётган шу кунларда Ватанимиз жамоли янада кўркамлашиб, ҳар бир кўча, ҳар бир хиёбону хонадон тобора чирой очиб бормоқда. Табиийки, бу маҳобат ва мунавварликнинг тағамини Мустиқиллигимиз ҳисобланади. Истиқлол юртимизга нафақат кўрку тароват бахш этди, балки дастурхонимизга фойз, турмушимизга фаровонлик олиб келди. Бу улуг неъмат туфайли Президентимиз раҳбарлигида иқтисодиётнинг барча тармоқларида туб ислохотлар олиб борилди. Тараққийтимиздаги бу улкан ўзгаришларни бугунги кунда ён-атрофимиздагилар билан бир қаторда узоқ хорижий мамлакатлар, нуфузли халқаро экспертлар ҳам эътироф этишмоқда.

«Агробанк»:


ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Бу янгиликлар, энг аввало, аҳолининг иқтисодий жиҳатдан фаол қатлами молиявий қўллаб-қувватлаётган банкларимиз фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Жумладан, «Агробанк» ОАТБнинг Бухоро вилояти бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари ҳам ана шундай саховатли ва эзгу амаллари адо этмоқда. Хусусан, бу молия муассасаси жорий йилнинг ўтган даврида ҳам ўз иш фаолиятини, асосан, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратди. Айни вақтда банк турли мулк шаклларидаги 15824 тадан ортиқ юридик ва жисмоний шахсдан иборат кенг соҳа вакилларига хизмат кўрсатмоқда. Шундан 5318 тасини кичик бизнес субъекти, 7865 тасини эса фермер ва деҳқон хўжалиқлари ташкил этади. Миқозлар сони ҳам мутаносиб равишда ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 477 нафарга кўпайди.

Хозир вилоят бошқармасининг 11 филиали, 29 та мини-банки ҳамда 19 та махсус касаси мавжуд. Бу жойларда миқозлар билан ишлаш, уларга янада яқинроқ бўлиш, хуллас, тизимдаги фаолият ҳажмини кенгайтириш учун қўлай имкониятлар яратилмоқда. Бошқарма таркибидagi филиаллар янги омонат турлари бўйича тарбиёт ишларини жадал олиб бормоқда. Натижада 2010 йил 1 август ҳолатига кўра, жами омонатлар қолдиги йил бошига нисбатан салкам 10 фоизга ошган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабига биноан туман филиаллари савдо ва хизмат кўрсатиш

шохобчаларига 957 та терминал ўрнатди. Ушбу терминаллар орқали 2010 йил январь — июль ойлари давомида 40 млрд. 795 млн. сўм маблағ ўтказилди. Вилоят бошқармаси филиаллари ўз миқозларига жами 111433 дона, шундан бюджет ташкилотларининг ҳодимларига 91184 дона пластик карточка тарқатган. Жумладан, мазкур давр мобайнида савдо ташкилотлари, шунингдек, хусусий савдо корхоналарига биринчи заруратдаги озиқ-ов-



қат ва халқ истеъмоли моллари сотиб олиш учун 2 млрд. 54 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Биргина омихта ем бирлашмаларига берилган кредитлар 655 млн. сўмни ташкил этади. Бошқарма аҳли ҳаммиса хайрли ишлар тарафдори. У қўшма корхона бўладими ёки хусусий тадбиркорми, қўшма назар, ҳар доим ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Яқинда «Бухоро Агромир» қўшма корхонасида мева-сабзавотларни қайта ишловчи ускуналар олиши учун, «Бухороагросаховат» корхонасига шарбат ишлаб чиқариш ҳамда «Вобкентагромахсу-

лотлари» корхонасига ускуналар хариди учун ўз маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратилди. 2010 йил ғалла ўрими-йиғимида фермер хўжалиқларига 7 млрд. 363 млн. сўм, пахта ҳосилини етиштириш учун 27 млрд. 119 млн. сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи «Агромашсервис», «Узпахтасаноат» уюшмалари ҳамда «Қишлоқхўжа-



ликимё» тизимидаги жами 54 та корхонага ҳам молиявий мадад берилди. Утган давр мобайнида банк вилоят «Пахтасаноат» бирлашмаси ва унинг туманлардаги 6 та пахта тозалаш корхонасига моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун жами 3 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратди. Дон маҳсулотлари уюшмасининг туманлардаги 3 та қайта ишлаш корхонасига ҳам 1 млрд. 11 млн. сўм миқдорда мева-сабзавотларни қайта ишлаш ҳамда «Вобкентагромахсу-



ти билан шугулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 416 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Европа Тараққийёт ва тикланиш банки йўналишлари бўйича берилган кредитлар миқдори 2010 йил 1 август ҳолатига кўра, 179 млн. сўмни ташкил этади. Бу борада ҳам белгиланган режа 119 фоизга бажарилди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида қорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам банк хизматларини ривожлантириш учун омил бўлди. Ушбу қарор ижроси бўйича

банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 135 нафар фуқарога 320 млн. сўмлик кредитлар берилди. Бу хайрли ишларнинг яна бир намунаси банкнинг ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. Шундан мобайнида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 51 ёш оилага 208 млн. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилди. Баркамол авлод — келажимиз қафолати. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажигини кўриш истаги мужассамдир. Шу туфайли вилоят банки қаерда болалар учун шароитлар яратилаётган бўлса, ўша жойга эътибор қаратди, уларни молиявий қўллаб-қувватлади. Бунинг учун уларга Президентимизнинг 2010 йил 27 январдаги «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори қанот бўлди. Бу ҳужжатга мувофиқ, 2010 йилнинг 7 ойи давомида 662 млн. сўм кредитлар ажратилди. Айнан ушбу кредитлар ҳисобига вилоятда 54 нафар ўғил-қиз ишли бўлди.



Шу ўринда ёшлар ва уларнинг бандлиги масаласи ҳуусида тўхталиб ўтмоқ жоиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, келажак авлодларимиз ҳаёти ва тақдирини билан бевосита дахлдор бўлганлиги учун бу масала ҳам бошқарма диққат-эътиборида бўлди. Бунинг бошқарма таркибидagi филиалларнинг шу давр мобайнидаги фаолияти мисолида ҳам қириш мумкин. Улар жорий йилнинг 7 ойи давомида айнан шу мақсадлар учун 6 миллиард 555 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратди. Кредитлар ҳисобига 1547 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, банкнинг ўтган давр оралиғидаги фаолиятига назар ташласак, унинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётида анча фаол иштирок этганини кўрамиз. Янги иш ўринларини ташкил этиш билан ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аграр соҳани янада тараққий топтириш, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳа асосида замонавий тураржой биноларини барпо этиш, хуллас, юртимиз фуқароларининг ҳар жабҳадаги фаолиятларини мунтазам қўллаб-қувватлаш «Агробанк» ОАТБ Бухоро вилояти бошқармаси жамоасининг кундалик юмушига айланган. Айниқса, бу банк тадбиркорларнинг яқин дўсти ва ҳамкоридир. Зеро, юрт ободлиги, эл фаровонлиги йўлида меҳнат қилаётган фидойи инсонлар билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлиш нақадар яхши!

«Агробанк» ОАТБ матбуот хизмати.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бозор сари йўл

Япониянинг камҳаражатли автомобиллар ишлаб чиқарувчи «Suzuki» корхонаси Хиндистонда ўзининг тўртинчи муассасасини қуришни маълум қилди.

Режага кўра, корхона 2013 йилда ишга туширилади ва у йилга 250 минг дона автомобиль тайёрлаш қувватига эга бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керак, тўртинчи корхонанинг фойдаланишга топширилиши «Suzuki»нинг Хиндистон автомобиль бозоридagi мавқеини янада мустаҳкамлайди. Сабаби, ўша пайтга бориб, корхона мазкур мамлакатда йилга 1,5 миллион донагача машина сотиш имкониятига эга бўлади.

11 штатда фавқулодда ҳолат

Бразилиянинг 11 штатида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Бунга мазкур ҳудудларда кузатилаётган ўрмон ёнғинлари сабаб бўлган. Бразилия табиати муҳозафазаси қилиш вазирлиги маълумотларига қараганда, ҳозирга қадар «тилсиз ёв» 12,5 минг гектар майдонга зарар етказган. Бу борада вазият, айниқса, Гояс штатидаги Эмас миллий боғида кескин тус олган. Ёнғин бу ердаги 90 фоиз ўсимликни нобуд қилган. Токантинс штати Арагуайя боғидаги наботот оламининг эса 60 фоиздан кўпрогининг кули кўкка совурилган. Олов тафтининг юқорилиги боис ушбу ҳудудларда осмонни қуюқ туғун қўллаб олган.

Корхонадаги кўнгилсизлик

Гондурас мамлакатининг шимолида босқинчилик содир этилди.

«Ассошиэтед пресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, бир гуруҳ қуролланган кимсалар Сан-Педро-Сула шаҳридаги пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхонага бостириб кириб, хизматчиларни ўққа тутган. Кўнгилсизлик оқибатида 13 нафар ишчи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмган. Икки нафари эса касалхонада вафот этган. Тўрт киши тан жароҳати олган.

Мазкур маълумотга мамлакат ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳеч қандай муносабат билдирилмаган.

Харажатларни тежаш мақсадида

Швейцариянинг, асосан, саратон хасталигига қарши даво воситалари ишлаб чиқарувчи «Roche» компанияси харажатларни тежашга қарор қилди.

Бунинг учун муассаса ўзининг тадқиқот бўлиmlаридаги иш ўринларини қисқартирмоқчи. Швейцария матбуотида изоҳланишича, корхонанинг бундай йўл тутishi-га АҚШ ва Европа фармацевтика бозоридa рақобат тобора кучайиб бораётгани сабаб бўлаётган экан.

Фалокат сири

Мисрдаги илмий тадқиқотлар олиб борилаётган ядровий реакторлардан бирида фалокат содир бўлган.

Манбаларга қараганда, мазкур кўнгилсизлик апрель ойида юз берган бўлса-да, бу ҳақда кун кеча ошқор этилган. Мамлакат атом энергетика бошқармаси кўнгилсизлик реакторнинг совишти тизимида содир бўлганини ва бунинг оқибатида нурланиш кузатилмаганини маълум қилди. Шунингдек, мутасаддилар воқеа ҳодимлардан бирининг масъулиятсизлиги туфайли юз берганини ҳам маълум қилишган. Кези келганда айтиб

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитаси
Республика Кўчмас мулк биржаси ЁАЖ Наманган вилояти филиали
 бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидa бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Наманган вилояти хўжалик судининг 2007 йил 7 августдаги 16-0706-5509-сонли ижро ҳужжатига асосан, Наманган шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Наманганжтимоийқурилиш» ассоциациясига тегишли, Наманган шаҳри, Поликоский кўчаси, 17-уйда жойлашган «Қурилиш, таъмирлаш» базаси бино-иншоотлари (қурилиш оети майдони — 1680,57 м², фойдали майдони — 1254,98 м²), полевори бетон, деворлари пишқ гишт ва темир-бетондан, ишчи ҳолатда, бошланғич баҳоси — 159 995 589 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 5 октябрь кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Шунингдек, 2010 йил 21 сентябрь кунин соат 11.00 да ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига Фуқаролик ишлари бўйича Янгиқўрғон туманлар судининг 2010 йил 28 апрелдаги 2874-сонли ижро ҳужжатига асосан, Янгиқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Янгиқўрғон тумани, «Бекобод» ҚФЙ, «Соҳил» МФЙда жойлашган молхона бино ва иншоотлари (фойдали ер майдони — 4059,40 м², қурилиш майдони — 6225,74 м², 50 та хонадан иборат), бошланғич баҳоси — 162 500 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Манзил: Наманган ш., Нодира к., 3-уй, 4-қават. Телефонлар: (8-369) 226-54-47, 226-27-01.

Шунингдек, РКМБ Сурхондарё вилояти филиали томонидан «Халқ сўзи» газетасининг 2010 йил 17 августдаги 160 (5075)-сонининг 4-бетидa чоп этилган эълоннинг III банди «РКМБ Сурхондарё вилояти филиалининг аукцион савдосига Денов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан «Чориев Шарофиддин Абдусаломович» хусусий фирмасига тегишли мулклар, Денов тумани, Остонакулов кўчаси, 107-уйда жойлашган» деб ўқилсин.

Мурожаат учун телефон: (8-376) 227-57-94.

www.fkmb.uz
 Лицензия: DB 001 № 000004

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган қуйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

СУВ ВА ГАЗ УТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 100 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ УТКАЗУВЧИ КУВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 170 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПУЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПУЛАТ КУВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 300 000 сўмдан бошлаб.

ПРОФНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача;

Бундан ташқари:

ЙИҒМА ПАРКЕТ (лиственница) — Россияда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 кв.м. учун 8000 сўм.

КАРЕИД — Козогистонда ишлаб чиқарилган, баҳоси 1 тн. учун 1 990 000 сўм.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

